



шахсларнинг республика ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари, Тошкент шаҳридаги 2-сонли юридик коллеж белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги таркибидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги этиб қайта ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар:

аҳолининг жинс ва ёш гуруҳлари бўйича минтакалар доирасида аҳоли бандлиги даражасини тизимли асосда чуқур таҳлил қилиш, ҳар йили янги иш жойлари ташкил қилиш дастурлари ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш, аҳоли бандлигини ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, мазкур ишларнинг бориши устидан доимий мониторингни амалга ошириш;

банд бўлмаган аҳоли, биринчи навбатда ёшлар, аёллар ва ногиронлар учун, уларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда касб-хунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш самарали тизимини ташкил этиш, иш билан таъминлашга қўмаклашишнинг самарали тизимини ташкил этиш;

меҳнатни муҳофаза қилиш ва бандлик соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилишни устидан назоратни таъминлаш, шунингдек, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш механизmlарини янада такомиллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланганлиги;

мазкур Фармонга мувофиқ вазирликнинг функциялари ва вазифалари бошқа вазирликларга берилганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари ходимларининг бўшайдиган сони 5 фоизга қисқартирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигига ўтказилиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда, ушбу Фармоннинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мехнат вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг янги тузилмаларини тегишли равишда тасдиқлаган ҳолда уларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича Хукумат қарорлари лойиҳаларини белгиланган тартибда киритиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат вазирлиги, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Мазкур фармоннинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

П. Бобожонов

Вилоят ҳокими  
Хоразм вилояти ҳокими ў.и.а.  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
XORAZM VILOYATI  
H O K I M I

« 29 » февраль 2016 йил

Урганч ш.

№ 25ф

Нусха № \_\_\_\_\_

Ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ҳожатманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий химоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этиш самарадорлигини ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, вилоят молия бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ижросини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони билан:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг ногиронлар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ҳожатманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги тақлифи қабул қилинганлиги, тақлифда:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқармалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари зиммасига - ногиронлар, шу жумладан ногирон болаларга, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа ҳожатманд қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, имкониятлари чекланган шахсларни касб-хунарга ўқитишни ташкил этиш ҳамда инклюзив касб-хунар таълимини ривожлантириш вазифасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига - муҳтож оилаларга ва фуқароларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларни тайинлаш ва тўлаш мониторингини амалга ошириш вазифасини юқлаш назарда тутилганлиги;

Ногиронлар ва кексаларнинг “Нурувват” ва “Саховат” уй-интернатлари, Ногиронлари реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази, ногиронларнинг ҳудудий реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторий ва пансионатлари, Тошкент ҳамда Фарғона шаҳарларидаги имкониятлари чекланган